



ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ



Истеъодли шоира Эътибор Охуновага «Бил-
лур қатралар» шеърий китоби ва «Олам гўзал»
номли публицистик мақолалар тўплами учун
1980 йилда Ўзбекистон Ленин комсомоли муко-
фоти берилган.

ЭЪТИБОР ОХУНОВА

ТОНГ КЕЛИНЧАГИ

Шеърлар



Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Еш гвардия» нашриёти
1984

Охунова Эътибор.
0-94 Тонг келинчаги [Шеърлар]. — Т. «Ёш гвардия», 1984.—96 б.

Таниқли шоира Эътибор Охунованинг ушбу тўплами асосан янги шеърлардан тузилган. Ранг-баранг мавзудаги шеърлар «Ошиқона», «Қўшиқ қаноти нурдан», «Йўллар дафтари» деб номланган туркумларга жамланиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Ахунова Этибор. Невеста зари: Стихи.

Ўз2

А $\frac{4702570200-78}{356(04)-84}$ 51-84

© «Ёш гвардия» нашриёти, 1984

ОШИҚОНА



Сукутдаман...

Лекин қамчинлайди мени бир нима.

Сукутдаги хаёлимни уйғотар шитоб.

Тўлқинларни шитоб суриб юрар бир кема,
«Уйғон, дамлар ўтаётир!» — айлайди хитоб.

Шарақлатиб очар метин дарвозаларни,

Зумда қудуқ тубига у тушади сакраб.

Чайқатади зумда денгиз ҳавзаларини,

Шиддатига лочинлар лол туради қараб.

Фазоларга чўзади қўл юлдуз узгали,

Саҳролардан узади гул даста тузгали.

Булутларни шопиради,

Чақин ўйнайди...

Оҳ, шеъримнинг журъатлари менда бўлсайди!

КОММУНИСТ МИНБАРДАДИР

(Съезд залига бир назар)

Қудрат деган бир дарё
ўтиб борар тонг билан,
Қутлуг анжуман сари,
сўзлагани зафардан.
Тонг нуридай мусаффо
ишонч билан, оиғ билан,
Коммунистлар келмоқда,
овул, қишлоқ, шаҳардан.
Қуёш турар таъзимда,
ўтиб борар кашфлар,
Кумуш зарбофларидан
тўшаб қўяр поёндоз.
Хушхонлар ҳам қўшиғин
шул байрамга бағишлар,
Кўчаларнинг бағри кенг,
борлиқ гўзал, сарафроз.
Коммунист ўтиб борар,
голиб, бардам, устивор,
Зафар китоби қўлда,
меҳнат қалами билан.
Бу юртда не ўктамлик,
муҳтарамликларки бор,
У тортган залвор юклар,
унинг карами билан
Коммунист минбардадир...
Туйғулар беланчаги —
Аллалаб қўяр уни
бир дам ардоқларида.
Шу Ватан кечмиши у,
шу элнинг келажаги,
Эзгуликлар яратган
қўлин қадоқларидан.

Коммунист амри билан
Аму даштларга оқди,
Қумлар бархани ичра
шаҳарлар ҳам ярқирар.
Сирни даст кўтарди у,
чўлга камардай тақди,
Гиёҳсиз манзилларда
яшил боғлар барқ урар.
Коинот дафтарига
дастхат ёзди нур билан,
Инсон қалбига ёзди
поклик деган туйғуни.
Коммунист номин айтар
миллонлар ғурур билан,
Унга ишониб сўзлар
шодлигини, қайғуни.
Коммунист минбардадир,
Бунда олам нигоҳи.
Коммунист минбардадир,
Мадад олмоқда диллар.
Коммунист минбардадир,
Уни тинглайди эллар,
Мадад олмоқда эллар
Тинглаб унинг сабоғин.
Уфқларни силжитиб,
бузиб даштлар оромин,
Қўриқлар тандирида
ёпмоқ-чун буғдой нонлар,
Кўксин у қалқон айлаб,
олов қилгандир жонин,
Бу замон тарихига
ёзмоқ-чун янги шонлар.
Маржонбулоқ, Навоий, Ширин...
нурхона бўлди,
Алп қадам бунёдкорнинг
қутлуғ қадамларидан.

Она тупроқ бағри ҳам
 ганжи-дурхона бўлди,
 Ленинчи авлод деган
 дунё одамларидан.
 Коммунист минбардадир,
 Рапорт берар халқига.
 Истиқбол баёзининг
 саҳифасин варақлаб.
 Халқнинг меҳр чўғидан
 оташ олар қалбига,
 Халқ закоси нуридан
 юрар фикри чарақлаб.
 Минбарда деҳқон отам,
 Мирзачўл садафларин —
 Ҳижолардай бирма-бир
 санаб, қилади роҳат.
 Минбарда ишчи акам,
 Устозу салафларим,
 Уч беш йилни бир йилда
 Уринламоқ — саодат.
 Тўқсонинчи йилларга
 режа олар минбардан,
 Замон юкин орқалаб
 кетмоққа шай елкаси.
 Кумуш-кумуш тонгларни
 ясай олар тунлардан,
 Истар: маъмурлик ичра
 бўлсин дўстлик ўлкаси.
 Коммунист минбардадир,
 Дилин сўзлар халқига.
 Олам етар камолга,
 яна порлоқ эртамиз.
 Коммунист минбардадир,
 Бизлар бу ўт бағирга,
 Бу ёруғ кошонага,
 Таъзим айлаб ўтамыз.

1944 ЙИЛ КОМСОМОЛЛАРИ

Сиз йигит эдингиз севгига ташна,
Бўса тоти қолди лабларингизда.
Суронлар кетдилар сизларни бошлаб,
Ишқ кетди ҳижронли
қалбларингизда.

Сиз шогирд эдингиз, сиз илми
толиб,
Ҳаёт бошлаб кетди мушкул ишларга.
Қўлда қурол энди,
Дарсликлар қолиб,
Она, суюкли ёр кирар тушларга.

Қасос шамширини олдингиз қўлга,
Шоҳи қийиқларни ечиб беллардан.
Она юрт даъвати бошлади йўлга,
Ўтдингиз паноҳга ташна эллардан.

Она юрт дардлари эди елкада,
Сизларни кутарди пўлат бир оқим.
Ғамлардан қадди дол бўлган ўлкага,
Ўғлонлар,
Сиз тирак эдингиз, балким.

Эл юки елкада бордингиз ўктам,
Қасамёд куч берар эди юракка,
Жангларга кирдингиз...
Дўзах ўти ҳам,
Довул ҳам дош бермас бу ўт тилакка.

Сиз Тўйчи эдингиз, Зоя, Зеболар...
Матросов, Кошевой.. марду баҳодир.
Сиз Ватан қалқони,
Ёвга ваболар,
Осмон йиқилса, ушлашга қодир.

ОСТОНА

Қатта олам муқаддас остонамдан ўтади,
Кенгликларнинг бағрига кузатар наҳорларда.
Оқшомлари у мени меҳмонлардай кутади,
У қутлуғ қадамларга лиммо-лим наҳрлардай.

Қадамим пардай эди...
Остонам пайқамадим,
Бир бора ҳам нигоҳим ташламадим эҳтимол.
Нечун сажда қилмадим, мен уни алқамадим,
Бошгинамдан сирғалиб тушгунча шоҳи
рўмол?

Бир лаҳзада тўзғиди мудраб ётган хаёллар,
Шиддатли бир ларзага рўбарў эди улар.
Кўз ўнгимда йиллардек елпиндилар
шамоллар
Ва ўтдилар бирма-бир босилган қутлуғ
йўллар.

Остонамни бир умр бепарво босиб ўтдим,
Бепарво эмас, йўқ-йўқ,
Ўтдим лоқайду шитоб.
Не тонг, остонам мени бирдам саволга тутди,
«Бир зумгина тўхтагил!» — аста айлади хитоб.

Остонада қоқиндим ва сирғалди рўмолим,
Рўбарўда турарди оғир карвон бугуним.
Эртам турарди интиқ,
Тортиб маҳзун хаёлим,
Орқада қўл силтайди шод, ношод ўтган
умрим.
Бунчалар ҳам шитобмиз навқирон
чоғларимиз....
Остонанинг бор-йўғин сезмай яшар одамлар.

Гарчи дунё йўл...
Бизлар унинг сайёҳларимиз,
Гарчи бир кун зилдайн вазмин тортар
қадамлар.

Остона довон асли,
У муқаддас баланддир,
Ҳар тонг уни бир жаҳон умид билан
ҳатлаймиз.

Йўлларимиз давоми, кенг манзилга
пайванддир,
Шу йўлдан биз бир умр тиним билмай
қатнаймиз.

Лоқайд ўтма, азизим,
Остона — умринг боши,
Ичкарига кирмагил чангу ғуборинг билан.
Остона болалигинг, удир мўътабар ёшинг,
Севгингдир, у таъзим қил,
қутла сен боринг билан.

МАРТЕН ПЕЧИ ЁНИДА

Эриб кетар маъданлар мумдек,
Асо ушласангиз пўлат лўмлардан.
Нигоҳингиз ўтли мисоли чўғдек,
Тарих ясайсизлар ҳатто зумлардан —
Ҳазрати ишчисиз,
Сизни улуғламоқ йўл бўлсин бизга,
Таъриф айлар бўлсак, сигарми сўзга?
Йўқ, сиғмас!
Таъриф не ҳожатдир,
Тавсифлар нега?
Сиз эритган пўлатларнинг учқуни —
Ёқиб ташламасми тавсифни,
Не-не таърифни.
Таърифсиз, борини айтай рухсат-ла,
Шундай улуғ айём,
Шундай фурсатда.
Сизга таъзимим —
Ифодаси бўлсин содда, гўр назмим.

Сиз ишга жўнайсиз ҳар кун субҳи чоғ,
Хали гўдакчалар тамшанур ширин.
Хали ялтирамай қуёш шамшири
Ғайрат ўтинидан саржин қалайсиз,
Чарх урар зафарлар,
Нигоҳ қадайсиз.
Олов ҳам аслида дилингиз ўтидан —
Андоза олгандир, бўлгандир ҳарорат.
Рус, қозоқ...
Не миллат даврага бўлса жам,
Кўйлаган қўшиғи иқболдан, севгидан.
Тўй яқин, ишчини кутмакда юмуши
Эл-юртнинг юмуши, ташвиши елкада,
Гоҳ офтоб ўчоғи қайнатар чойдишин,
Улуғвор марралар юки бор эртадан.

Ҳазрати ишчилар, ижодкор—сиз букун,
Озмунча машаққат, меҳнатми юрт юкин—
Елкада кўтармоқ,
Шаън бўлмоқ Ватанга?
Шул боис ишчилар пўлат синф аталгай!

ИККИ МАДҲИЯ

1. Пахтакор аёл монологи

Пахтакорман,
Кўксимни кериб айтмайман буни,
Кўлим кўксимга қўйиб, таъзим билан
айтаман.
Биласизми, мен ердан ундириб олган дурни,
Кўзларим гавҳарини мезон қилиб тортаман.
Пахта енгил дейдилар,
Бу гап маъқул менга ҳам,
Лекин меҳнатида-чи, хирмонларнинг юки бор.
Эрта тонглар эгатга мен малҳамдай
сингаман,
Томчилар шудринглардай пешона терим
қатор.
Қаҳратон қиш палласи...
Заҳматкаш ер уйқуда,
Лекин унинг дояси дардкаши — биз қайғуда.
Қайғум шуки, ўғити, шўри, яхоблари бор,
Ҳали очолмаганим — қўриқ, танобларим бор.
Ором олар қишда ер...
Менда кўклам хаёли,
Хотиржам кўрганмисиз пахта эккан аёлни?
Ариқларни тозалаб, молаларга қарайман,
Ўз сочимни турмаклаб, ер сочини тарайман
Ерга чигитни эмас, гўё дилим экаман,
Кўзларим ҳам нигорон...
Неча бор тиз чўкаман.
Ернинг иссиқ тафтига менчалик ташна
борми,
Бунчалар зор кутмадим севги ёшида ёрни...
Йигитим келишинмас,
Чигитимнинг унишин —

Пойлаб саҳар паллалар ўтирардим
пайкалда.

Мен учун кулгиликмас,
Суйгуликдир бу ишим,
Ерга, ерга термулиб турганларим ҳайкалдай.
Болам йўлга кирганда қувонганман, онаман,
Дўзам гулга кирганда, севинчимдан ёнаман!
Саратон ҳам ёнгуси менинг оташларимда,
Жазиралар чекингай менинг
бардошларимдан.

Биласизми,
Баъзида сувлар камчил тортади,
Бундай чоғларда севинч қуёшларим ботади.
Сув излайман заминнинг етти қават
қаъридан,
Бундай чоғлар кечаман уйқуларнинг
баҳридан.

Кечаларни тонгларга уламоққа мен шайман,
Дўл, селлар, бўронлардан ғолибман,
Ҳа, шундайман!
Далаларим ўғирлар хаёлимни, ҳушимни,
Далаларсиз кўрмайман ҳатто ширин
тушимни...

Пахтакорман,
Кўксимни кериб айтмайман буни,
Қўлим кўксимга қўйиб, таъзим билан
айтаман.
Биласизми, мен ердан ундириб олган дурни.
Кўзларим гавҳарини мезон қилиб тортаман.

2. Пахтакор аёл курортда

Шамолларнинг этагида тўлқин чопар
шарқираб,
Деҳқон аёл юрагида орзуларнинг пахави.

Севинчларин қанотида ўсаётир гуркираб,
Ўйлар: жиндек меҳнатлари шунчаларми
баҳоли?

Денгиз суви шовуллайди,
Ҳаяжон бу бир жаҳон.
Кўёш нури ловуллайди аёл дилини алқаб.
Бирдан унинг кўз ўнгида товланади далажон,
Кумуш пахта кўлиб турар қаршисида
чарақлаб.

Тўлқинларнинг қучоғида қўёш боради
қалқиб,
Деҳқон аёл нигоҳидан ўтлар чатнар, чамаси.
Бейхтиёр рўмолини олар бошига танғиб,
Ҳузурига келар гўё унинг пўлат кемаси.

Бир-бирининг чопонидан ушлаб чопар
тўлқинлар,
Ўркач-ўркач ёлқинларни муштоқ кутар
соҳиллар.
Шу тоб аёл хаёлида жавлон урар чўлқувар,
Бункер-бункер олтин тўкиб хирмон уйган
оқиллар.

Кўринади кўзларига қирлар тўла бошоқлар,
Кўринади «оқ олтин» нинг қалдирғочдай
карвони.
«Пахта денгизи бўлса-чи,—ўйлар, шу сув,
тошлоқлар,
Деҳқон аёлнинг шу тобда йўқдай бўлак
армони

Оқшом...
Денгиз тепасида турар само ҳилоли,
Деҳқон аёл кезар бу чоғ сурурларнинг
аршида.

ГЎЗАЛ ФАРҒОНАМ

Гўзал Фарғонамга ғазал бойлайин,
На ғазал, мен жоним нисор айлайин,
Чаноқлардан териб, гуҳар тойлайин,
Боқсам, хирмонлари тоғу-тоғ экан.

Хаёлим бурдалар Қўқон шамоли,
У эсса, не кечар ғўзалар ҳоли,
Бир ўлан айтса бас Риштон аёли,
Тўфон, қуюнлар ҳам тумтароқ экан.

Оппоқ пахтасини босиб бағрига,
Даласин йўғириб бардош-сабрига,
Дош берар жазира, селлар жабрига,
Деҳқон-чун «оқ олтин» кўз-қароқ экан.

Париваш қизларнинг юрти Фарғона,
Фурқатлар зор ўтди ёна ва ёна,
Йигитлари чойхўр, шинам чойхона,
Ҳазилу аския беадоғ экан.

Куёвлар ҳашарда кенг далаларда,
Баҳорда, жавзода, куз паллаларда,
Буви чеварасин шўх аллалар-да,
Шул сабаб келиннинг кайфи чоғ экан.

Белга этак тутиб чиқдилар чоллар,
Чол деманг, қийиқни йигитдек боғлар,
Қампирлар бир-бир келар туш чоғлар,
Ташигани пашмак, сут-қаймоқ экан.

Муқимий деганди кўриб «Во, дариг!»
Энди-чи, бу элнинг манглайи ёруғ,
Қарвонбоши доим ул Олтиариқ,
Боқсангиз ҳаммаёқ боғи-роғ экан.

Боқсам, ер баёзин ёзар ул деҳқон,
Удир ер эгаси, юртига ҳоқон,
Бир ёғи сийму-зар, бир ён шараф-шон,
Мағрибу машриқ-ла дўст-ўртоқ экан.

Фарғоналик яшар элни кулдириб,
Тошнинг устида ҳам пахта ундириб,
Ҳатто дўпписига тупроқ тўлдириб,
Атиргул ўстирар, юрт чорбоғ экан.

Теримда чарчоқ не, ҳеч билмас улар,
Табиат гоҳ қийнар, эгилмас улар,
Енгарлар ва лекин енгилмас улар,
Уларнинг севгани зар чаноқ экан.

Эй, мардлар, зафарнинг завқини суриг,
Давра тўрисида мағрур ўлтиринг,
Биллур қадаҳларга гулоб тўлдиринг,
Шоирнинг ашъори ҳам адоғ экан.

ҚИШЛОҒИМ

Оқшом... қайтиб келарди қўй-қўзилар
яйловдан,
Гўё яйлов кенглиги кириб келар эшикдан.
Дамтовоқни кўтарар бувим хушбўй
паловдан.
Қишлоқ файзи гўёки жамланган бир
қўшиқда.

Чўпон йигит ўтарди чалиб сибизғасини,
Бўғотларга тизилган қалдирғочлар —
садафлар.
Осмон кўз-кўз қилару тиллойи сирғасини,
Юлдузларин дув тўкиб,
Боғларга дур қадарди.

Қишлоқнинг бир жаҳони — тандирдаги
гулханда,
Набираларга атаб ёпилмоқда кулчалар.
Тандирнинг шуъласидан рақс тушар нур
гулшанда,
Буви жаҳон улашар,
Узатилар қўлчалар.

Остонада турибди қишлоқнинг бир
жаҳони,
Осмонда қирқминг юлдуз,
Бунда-чи, бир жуфт улар.
Чўпон йигит эркалар офтобрўй
меҳрибонин,
Икки қалбада бахтиёр ишқ оташи
гуркирар.

Келинчак созлаб деди ноз деган
дурторини:

«Яйловларга сиз билан борайинми,
майлими,
Юлдузларни тергани, кўргани гул
сайлини?»
Чўпон аста «майли» дер, қувонтириб
ёрни.

У ҳам қишлоқ файзидир — тўр ичида
потирлаб,
Тонгда сайраб бедана...
Жон садақа ўшанга!
Нонуштага қаймоғу, ширчай, баркаш
патирлар,
Ҳар кун ичун бир катта тўй — янга тутар
гўшанга.

Ҳайдар кокил мисоли қўшдир дарё
ўзани,
Шу дарё бўйларида дил излаган у сурур.
Тошиб кетган сут мисол шаршаранинг
тўзони,
Бир кафтгина симиринг,
У берар дунё ҳузур.

Мен шу завқнинг барини кўчирсам
дейман шеърга,
Йўл-йўлакай хаёлдай тўкиларлар
сўқмоққа.
Қишлоқ шеърга кўчмади...
Кетмади мен-ла бирга,
Шеърнинг ўзин кўчирмоқ осон она
тупроққа

КУЗАК БУ

Товланиб бир пари боғлардан бўйлайди,
Бўй етган табиат келиндай тиниқлашур.
Бунчалар кўҳлик у, нигоҳинг тўймайди,
Ана, у шивирлар... ким билан сирлашур?

Елпинди чаманда, зарлари тўзғиди,
Силкитди шекилли зарбоб тўн барини.
Боғларда кўрганим кузмиди, қизмиди,
Ё турфа борлиқнинг шоирга соврини?

ВИДО

*Отамиз — уста соҳибкор деҳқон
Камолиддин бобонинг хотирасига*

Куз туғди туманли, тунд кунларини,
Ва тўқди йиғлоқи шудрингларини.
Гул эмас, хазонлар тўзғир чаманда,
Далалар йиғларди унсиз, чамамда.

Эгатлар кўз ёши тараб бўзларди,
Бир видо кезарди дала-тузларда.
Пахтазор ёйганди оппоқ сочини,
«Алвидо, бўз ўғли,
Чўллар лочини!»

Пайкаллар оралаб йиллар бирма-бир
Этакдан тўкарлар армонларини.
Қани ер луқмонин асрашга тадбир?
Ким бошлар энди чўл карвонларини?

Эгатнинг бошида кетмон мунғайди,
Устози ерга не дастхатлар битган.
Ахир у соҳиби билан улғайди,
Умри шу тоғдайин елкада ўтган.

Қишлоқ йўлларида у эккан толлар,
Чинорлар баргида баҳор нафаси.
Дунёда жуда кўп юз ёшли чоллар,
Лекин кам юз ёшли деҳқон боласи.

Отам тўқсон тўққиз ёшида эди,
Орзуси лиммо-лим чошида эди.
Қақраган лаблари эди видода,
У умр сўрамади асло худодан.

Фақат бир сония қудрат сўради,
Ерга тиз чўкмоққа фурсат сўради.
Бир кафт нам тупроқни сурди юзига,
Гавҳардек кўз ёши томди юзига.

Деди: «—Бу дунёдан ўтиб кетарман,
Лекин орзуларим энди нетарман?
Далаларга элтинг мени, сўрайман,
Қадрдон жамолин сўнг бор кўрай мен.

Пайкалга тўшайин оқ яктагимни,
Қелтиринг ғўзамнинг илк куртагини.
Бир дамгина сўзим тингланг ёнимда,
Бу куртак яралган менинг жонимдан.

Орзуларим менинг ўлмаётибди,
Сўнгги манзилларга етса-да роҳим,
Не қилай,
Ўлмоққа қўймаётибди,
Далаларим менинг — пушти-паноҳим.

Яна икки юз йил бўлса етарди,
Чўллардек ўжар бу тилакларимга.
Тупроқни алқадим,
Ҳосил кўтардим,
Ҳеч ором бермадим билакларимга,,.

Ота, Сизни йўқлаб, тутдим кетмонни,
Куйга зор дутордай садо янгради.
Отажон, дердингиз:
«Насиба — нонни
Тилаб ўтирмоқлик хато тангридан».

Видода далалар,
Видода кўклам,
Ерни тарс ағдариб чиққан чигит ҳам.

Чўлларга Сиз ёзган бепоён гилам,
Видода турарлар юзлаб шогирд ҳам.

Қай кун Сизни эслаб кездим далада,
Ариқлар шилдираб, бошлади фироқ.
Ушбу хотирани ёздим чайлада,
Шу билан ёққандай бўлдим бир чироқ.

ЧЎҚҚИЛАР

Устозларга

Кўз ўнгимда турар тоғлар,
Турар қорли чўққилар,
Тоғлар бўлгач, оғир ахир юксакликнинг юки
ҳам.

Чўққиларда булутларнинг чодирлари
сўкилар,
Залворлидир қорлар ўлган қояларнинг кўрки
ҳам.

Булутлар ҳам парвоз учун чўққиларни
танлашар,
Она қуёш сочларини тароқлар қояларда.
Сизларни мен тоғлар дедим,
Улуғворлик ярашар,
Йиллар заҳматлари ётар бу пиллапояларда.

Чақинларнинг қиличи ҳам чўққиларда
ялтирар,
Шамоллар ҳам, довуллар ҳам сошлаб ўтар
қанотин.
Бўронларнинг шиддати ҳам улар бардошин
синар,
Селлар ювар, дўллар ҳам синар тоғлар
саботин.
Уша юксак қояларда қишлаб қолар шунқор
ҳам,
Олқорларнинг ҳордиқ олар макони ҳам
тоғларда.

Сизлар унда юксакдасиз,
Бизлар бунда виқорда,
Бизлар гуллар терар бўлдик Сиз ўстирган
боғларда.

Тоғдай кўкрак кермайсизу,
Тоғдай бардош сизларда,
Шу бардошлар эвазига сизлардаги боқийлик,
Ҳали тоғни кўрмай, кўкрак керганлар бор
бизларда,
Ҳали бардош билмай туриб, талаб қилар
закийлик.

Ибрат бўлиб яшайсиз сиз,
Биз яшаймиз ҳавасда,
Ирмоқлардан сув ичамиз, тиниқтирар
чашмангиз.
Шаршаралар қўшиғини тинглаймиз
эҳтиросда,

Сиздек қалби чашмаларнинг меҳрига биз
ташнамиз.
Бир жилғадай қўшиқ куйлаб,
Сизни алқамоқ бўлдим,
Бир жилғадай бағрингизда оқмоқ орзум,
ҳарқалай.

Бир жилғанинг сувин элтиб,
Бурчим оқламоқ бўлдим,
Бор меҳримни куйлай олмай ўртанар мен
тутган най.

РУС ТИЛИ — ДЎСТ ТИЛИ

Олам ўқир,
Олам ўрганмоқда уни юракдан,
Тикилган ҳар нигоҳни у ошна айлар зиёга.
Ленин сўзи у...
Яшайди орзумизда, тилакда,
У бир кўприк, дўстлик карвони йўл олган
дунёга.

Ҳинду ўрганмоқда уни,
У арабнинг меҳрида,
Ленин сўзи яшамоқда бахтга ташна
элларда.
Вьетнамлик шеър ўқийди рус тилида эфирда,
Ленин сўзи юракларда,
Демакки, у — тилларда.

Курашларда, суронларда йўргаклаб ўз
бахтини,
Орзулари ёр бўлганлар ўрганмоқда рус
тилин.
Иқболларга борар йўлни, излаб саодатини
Қардошликдан тополган эл айтар бу тил—
ўз тилим.

Уғлим ўрганмоқда уни,
Урганаман у билан,
Қизим билан ўрганаман бу бепоён оламини.
Урганаман бир ишқ билан,
Бир ўтли туйғу билан,
Дўстлик иқбол бешигимга битиб берган
аллани.

Қўлда китоб...
Ҳар бир сўздан ҳис этаман улуғлик,
Бу донишлик ҳузурда тиниқади тушунчам.

Йўлларимни, шууримни чулғаб борар
ёруғлик,
Бу кенг бағир юрагида қўшиқлар мўл бунча
ҳам.

Шу қўшиқлар қанот берар,
Хаёлларим етаклар,
Учратаман устозларни, таъзимларга эгиб бош
Столимда Пушкин менга ёзиб кетган
этаклар,
Тунлар менга улуғ Горький «Она» си бўлар
сирдош.

Дунё билан сўзлашаман,
Сирлашаман у билан,
Дунё мени ўқирмиди,
Уқармиди унингсиз?
Остонасин ҳатлармидим оламнинг мен гул
билан,
Шекспирни, Гётени мен топармидим
унингсиз?

Қайда эди баҳс айламоқ канадалик қиз
билан,
Қайда эди билим деган ганжинага борар
йўл.
Минтақалар бағрин очар кезсангиз шу сўз
билан,
У бир олам хазинадир — жавоҳир мўл,
ҳикмат мўл.

Ўғлим ўрганмоқда уни,
Ўрганаман у билан,
Ўрганаман бир ишқ билан,
Бир ўтли туйғу билан!

ҲАМЗАБОД

Тошларга урилди азиз бош,
Қонига беланди оқ яктак.
Булутлар тўсди зум қуёшни,
Сўнг, бунда яралди бир эртак.

У тошлар...
Шоирга отилган —
Етармиш оёқлар остида.
Қасдланиб бағритош қотилга,
Қотганмиш тош бўлиб аслида.

Шоирни йўқлаган қадамлар
Зарбидан у тошлар ингрармиш.
Шоирга тиз чўкса одамлар,
Ажиб бир ҳикоят тинглармиш.

Ниҳоллар бўй чўзса, салом дер
Энг аввал шоири замонга.
Чуғурлаб учган қуш калом дер
Лаънатлар ёғдириб ёмонга.

Сой оқса тароқлаб сочини,
Жаранглар у битган мисралар.
Қирларда илк лола очилса,
У ишқли қалблардан изланар.

Гоҳ шамол увласа тоғларда,
Сўзлагай бўронли йилларни.
Баҳор...
Нок гулласа боғларда,
Гул кўмар у юрган йўлларни.

Фақат тош жим оёқ остида,
Қиёсдай тошбағир одамга.
Тош инграр,
Инграб у наздимда,
Интизор ётарди қадамга.

Қилмишин айтибми йиғлар тош,
Ўз-ўзин бағрини тиглар тош.

БРЕСТ ДЕВОРЛАРИ

Минг бора ўлганлар турардилар тик
Мангу бир ҳайкалдай кўҳна ҳаётга.
Минг бора қон тўкиб, жонларин тикиб,
Минг бор тирилганлар — ҳайкал саботга.

Деворлар эмас бу, жангномалардир,
Довулларда битилган китоблар улар.
Ўғлига кўз тиккан оналардир у,
Тинчликка, дўстликка хитобномалар.

Улар — ўтли варақлари тарихнинг,
Ҳали куйланмаган ўланлар улар.
Қуёш ҳар тонг тўхтаб ўтар, ғарбнинг —
Бу қутлуғ саждагоҳин нурларга ўраб.

Улар қон томирлар, ғазаллар, куйлар
Жангчи йигит юрагидан тўкилган.
Тингланг,
Жаранглайди мунис кулгулар,
Қўшиқ яшар унда қон-ла битилган.

Унда бева жувонларнинг ҳасрати,
Уриб турар унда ҳамон юраклар.
Севиб ўлгурмаган ўсмир дастхати,
Яшамакда орзулар,
Гулгун тилаклар.

Бепоён юрт дастурхонида нондай
Эзгу ва пок туйғуларда яшарлар.
Муқаддасдир кўз нуридай, имондай,
Муҳаббатдай ардоқлидир башарга.

ФУРҚАТНИ ЎҚИРДИМ

Тун...

Фурқатни ўқирдим,
Кўнгилга чўғ урди.
Дилим ёнар,
Ғазал ёнар,
Менга ҳамроқ шам ёнар.

Фурқатни ўқирдим,
Битди бардошим,
Қиприқдан ўзилди аччиқ кўз ёшим...
Тинглаб шоир оҳин,
Пирпирар шам ҳамроҳим.
Сўнгра, маҳзун бўлдими у,
томчи ташлади,
Назаримда шам ҳам кўзин ёшлади.

Фурқатни ўқирдим...
Андухларидан
Минг пора кўксим,
Менга ҳамдард шам ҳам
Тебранар ўксиб.
Ғазал ўти қора,
Шамнинг дуди қора,
Туннинг сиёҳидай
ғашдан дил қора

Фурқатни ўқирдим,
айланди бошим.
Шам узра тўкилди кўздаги ёшим.
Қоронғу кечалар,
Кечалар узун,
Мактублар нолавор,
Ғазаллар маҳзун,
Унсиз фарёдлардан
Топдим шоирни
Ва кўнгил тубига яширдим

Уни.
Утли баётлардан,
Укинч, ҳайҳотлардан,
Топдим шоирни,
Бахтли зурёдлардан,
Умри зиёдлардан,
Кўҳна замонлардан
Сўрадим уни.
Фурқатни ўқирдим,
Юракка чўғ урди.
Қаламга, қаламга —
Минг нолиш олдим.
Йўқ эдим,
Бор бўлдим,
Минг ёниш олдим.
Тонг отди... қуёшга пешвоз
Қўзғолдим.
Фурқат устоз туннинг бағрида
Қолди.

ЯПРОҚЛАР

Сарғайибди япроқлар,
Олтин сувин йўғирибди табиат.
Нурдай тилакларга ўхшар бу боғлар,
Тилакларми фақат?
Тилакларга беркинган бахтиёр чоғлар,
Бу — умрнинг фасллари—қадамларга жо,
Гоҳ ҳаяжон,
Гоҳ маҳзунлик, шодлик, илтижо.

Кеча митти ялпизларни йўргаклаб замин,
Олам-олам севинчимни,
Орзумни алқаб,
Ғазал ёз, деб урганди-ку гуллар баргагин...
Боғ гулларга бурканганда, қуёшдек балқиб,
Бул бокира табиатга этгандим таъзим.
Сўнгсиз-сўнгсиз сурурларга қалб эди туташ,
Япроқларнинг шивирига, нозига ўхшаш.
Олтин тўйми, табиатда ловуллар ёғду?
Ҳар шохчада олтин балдоқ,
Олтинлар ёғди.

Бирдан еллар дайдиб қолар, боғларда кезар,
Шоҳлардан барг, юрагимда завқларим тўзар.
Барглар учар,
Учар зумда севинч гулхани,
Япроқларнинг изидан дув кўчар хаёллар.
Нур оламин турфа иши лол айлар мени.
Она ерга бош қўярлар барглар беизн
Ҳа, беизн...
Лекин бунда сурон ноласи,,,
Хазонлардай соврилмагин, деярлар бизни,

Ҳазонрезлик орзу этмас инсон боласи.
Заминга бош қўяр япроқ аста беизн,
Унинг нимжон шивирида сурон ётади.
Бу — илтижо, нола асли,
Бу — япроқ сўзи.

Бу — заминга сажда — ҳаёт сўраб қайтадан!

ҚАЛАМДАН ШЕЪР ТОМЧИЛАР

Қуёшдан дур томчилар,
Қаламдан шеър томчилар.
Баъзан тун қўнса дилга,
Кўзлардан шўр томчилар.

Томчилар кўп оламда,
Томчидан — баҳру уммон.
Дил хун бўлса аламдан,
Кўзлардан томса ёмон.

Томчилар — серсаховат,
Суғорар саҳро, боғни.
Қуёш томчиси фақат
Ювар юракнинг доғин.

Томчилардан барг ёзар,
Гул яшнар чаманларда.
Унар кўз ёши томса
Тиконлар қабрларда.

Кўзнинг аччиқ ёшидан
Унмас тикондан бўлак.
Оғир у қўрғошиндан,
Оғир — кўтармас юрак.

Қуёшдан дур томчилар...
Қаламдан шеър томчилар,
Қўнмасмиди тун дилга,
Бўлмаса бўҳтончилар.

ТҮРҒАЙ

Тўрғай чарх урарди мовий самода,
Чўмиларди гўё кўк денгизида...
Ёғдулар найзадек нур камонида,
Хаёл чарх урарди қалб чексизиди.
Тўрғай чарх урар,
Одам барқ урар.
Елкан қалқиб сузар кенг самовотда.
Олам нурга тўлар тароватлардан.

Тўрғай сайрар...
Бу куй ўхшайди нега?
Ўхшайди биллурнинг томчиларига.
Биллурни зарралаб сочгандай қирга
Ва аста қуёшнинг киприклари-ла
Териб олгандайин бу томчиларни,
Тўрғай чўмиларди қуёш нурига.

Тўрғай сайрар...
Дилим олов олмоқда,
Тўрғай чарх урмоқда кенг самовотда,
Олам ёғдуланар ҳароратлардан —
Назаримда, шеър ҳам қалов олмоқда...

МЕНИ ЭСЛАЙСИЗМИ?

(Уқувчимга)

Мен-ку хаёлимдан қўймайман Сизни,
Унутсам — тин олмоқ учун бир дафъа...
Кўргандирсиз туғён ичра денгизни,
Туғён ичра асрар у дуру жавҳар.

Гоҳ жимлик чўлида мен ўй сурарман
Сизга муносиб бир сатр ахтариб.
Сизнинг хаёлингиз гулга ўрарман,
Гоҳида қумлоқлар кўмар дафтарим.

Бу олам чексиздир,
Узоқдир йўлим,
Бир жилға, бир сўқмоқ гоҳи роҳимда.
Сиз-чи, олислардан бир учқун бўлиб,
Ҳолимга қўймайсиз дўст, ҳамроҳимдай.

Мен-ку хаёлимдан қўймайман Сизни,
Унутмоқ маҳолдир Сизни бир дафъа.
Кўргандирсиз сокин, ўйчан денгизни,
Тубларида асраб яшар дур жавҳар.

Хаёллар қатига сингиб кетгайман,
Хаёллардай теран йўлларни ўйлаб.
Сиз бор давралардан минг бор ўтгайман,
Ҳиммати зоҳирим, меҳрингиз қўймай.

Эслайсизми Сиз ҳам, излайсизми ё,
Ёд айтармидингиз бирор сатримни.
Эсламайсиз, пинак бузмайсизми ё,
Уқувчим,
Бергувчим тахту бахтимни?

Мовий денгиз узра кўчса чағалай
Сатрларим ўша, кўнглим хушлаган.
Денгиз ҳам,
Хумо ҳам Сизсиз, ҳарқалай,
Бизлар — бир жафокаш қалам ушлаган.

Адирлардан учса оққув галаси
Қўшиқларим ўша, Сизга йўллаган.
Адиру оққувлар — Сиз ўзгинангиз,
Бизлар-чи,
Куйчимиз сизлар қўллаган.

Япроқларда қалқиб кетса тонг шабнам,
Муҳаббатли кўзим Сизга боқувчи.
Сизни деб мен яна ушладим қалам,
Захмат гулханида қалбим ёқув-чун...
Мени эслайсизми, ўқувчим?

ТОҒЛАРДА ОҚШОМ

(Манзара)

Оқшом ҳам тортмоқда
Мўйқаламини,
Нолиши ортмоқда
Сой оламининг.
Чумчуқлар мудроқда
Барглар пинжида,
Юрагим шу тобда
Шаъм илинжида.
Заминга феруза
Осмон чойшабдир,
Ой худди ўтинчи
Чолга ўхшабдир.
Қад букиб саҳрода
Кетиб боради,
Олисда гулдирак
Ўтин ёради.
Қайтадир ҳаққуш ҳам
Алла айтади,
Балки бу тоғларнинг
Ўтли байтидир.
Бу фусун бағрига
Сингиб кетарман,
Кел, эзгу хаёллар,
Муштоқ кутарман.
Қоинот бир зумда
Кетар уйқуга,
Тоғлар ҳам бош қўяр
Булут — парқуга.
Ер интиқ, қуёши —
Қачон қайтади?
...Қалам ҳам қоғозга
Розин айтади.

ЭМАН

Кузак япроқларин ювганда шабнам,
Олтинранг рўмолим ташладим бошга.
Олтин туйғуларга ташна дил бу дам
Йўлларимни элтар дала-ю тошга.

Табиат кузакни ўраб йўргакка,
Олтин бешигига солар ардоқлаб.
Дарахтларга тақиб тилла баргаклар,
Эгнига тикибди чопон зарбофдан.

Хаёллар тоғларга кетдилар бошлаб,
Бир эман кўринди паришон, юлун.
Япроқлар титрарми тўкиб кўз ёшлар,
Ё дарахт танидан сочилар учқун?

Каҳрабо япроқлар хайру-хўш айлаб,
Шивирлар: онажон, яхши қол энди.
Биз вафо қилмадик,
Чўнг камар боғлаб,
Қаҳратон қишларни қарши ол энди.

Наздимда, эмандан садо келади,
Титратиб ўтганда кузак шамоли.
Фарзандлар ташвиши адо қилади,
Қаршимда жафокаш она аҳволи.

Наздимда, эмандан келади садо:
«Мен адо эмасман,
Мен фидо, фидо?»
Япроқларин алқаб турар мардона,
Совутсиз жангчига ўхшар у она.

Оналарни бир ўт адо қилади,
Наздимда, эмандан садо келади:

— Изғирин қиличи сизни юлмасин,
Бу қилич дамида бўлайин ўзим.
Селоблари саваб-саваб, ювмасин
Бундай қийноқларни кўрмасин кўзим.

Чақинлар ўтидан кўрқаман яна,
Сизни оташига олса ёмондир.
Мен ёнсам майлига,
Сизлар ёнсангиз,
Мен учун қийноқ бу, мангу армондир.

Она ер бағрида олинг оромлар,
Иссиқ ва юмшоқдир қишлик кўрпангиз..
Фарзандларга она тилар ҳаловат,
Она борки, шундай яшар куррамиз.

Турар она эман — мунис волида,
Пойига тиз чўқдим,
Тиз чўқдим атай.
Дарахтмас, бир ҳайкал ушбу ҳолида,
Мен уни онага обида атай.

ЮР, ДЕДИЛАР ОҶУЛАР

(насрий шеър)

- Юр, — дедилар оҳулар,
чорладилар мени.
- Йўқ, — дедим, —
уйда жажжи болаларим бор.
- Юр, — дедилар соҳиллар менга, —
тўлқинларда тебратамиз сени.
- Борардим-у, уйда тўлқинлардек шўхи-шан
болаларим бор.
- Юрақол, — дедилар сарбаланд хумо
қушлари менга чуғурлаб, —
Сенга парвозларни ўргатамиз.
- Йўқ, — дедим, — болаларим менга
икки оламнинг шодликларини
ҳадя этарлар.
- Юр, — дедилар хаёллар, — коинотни
кезамиз, илҳомлар олиб қайтасан.
- Йўқ, — дедим, — икки оламнинг қўшиқла-
рини болаларим ҳадя этарлар менга.
- Юр, биз билан, — дедилар шамоллар, —
ғунчаларни уйқудан уйғотамиз,
тегирмонларни ҳаракатга солиб қайтамиз.
- Йўқ, — дедим-у, юратимга ҳаяжон оралади:
— Боролмайман, менинг ғунчаларим уйқудан
уйғонгандир,
- Уланим, алламини соғиниб,
Болаларим кутаётгандир мени.
Шамоллардай елиб уйга келдим,
Уйга келсам, болаларим йўқ.
Ўйинқароқ болаларим
Ўйинқароқ шамоллар билан
Ўйнамоққа кетишибди.

БОЛАЖОН

Уғлим Шамситдинга

Мен алла куйладим,
йиллар куйладим,
Сен эса оромда бўлдинг, болажон.
Алламга суяндинг, куйларимга талпиниб,
Оёққа ҳам турдинг,
Юрдинг болажон.
Мен эртак сўйладим,
йиллар сўйладим,
Биллур деб юлдузни
ойни зар қилиб,
Эртаклар қатида,
орзум қанотида
Бу олам жамолин кўрдинг, болажон.
Асо бўлдим — суяндинг сен йўлларда,
Чиройларим сенга бердим, болажон.
Ҳаргиз йиғлатмадим,
тошлар уйғотмадим,
Уйқуларинг маст айлади болажон.
Учди қўшиқларим
Қанотида сени олиб.
Қуёш ботди ҳориб,
Лекин мен ботмадим,
Ҳижронлари хас айлади, болажон.
Хаёл кетар йўлда, !
Мен ҳам йўллардаман...
Сен — катта юмушлар,
Кенг манзилларда,
Мен-чи хаёлларда,
Ҳормам дунё кезиб.
Ҳар тун тушда ўзинг,
Соғинчларинг зор айлади, болажон.

ЖОН ФИДО

Она ҳуснин улашди болаларига,
Эвазига сўради жиндек фидоликни.
Рангин улашди у гул-лолаларга,
Япроқдайин титради жудоликдан.

Ақл-идрок улашди,
Бардошини бўлишди,
Кўҳналикнинг китобини варақлаб.
Фарзандлари юлдуз-ойдан тўлишди,
Она қуёшдай ботди, чиқди яна ярақлаб.

Бор меҳрини улашди жигар пораларига,
Одамларнинг дилига болам етиб олсин деб.
Кўзларин нурин берди,
Турмуш чорраҳаларига,
Қоронғу гўшаларга теран боқсин деб.

Кучин-қувватин берди қўш қўллаб,
Ниҳолларим ҳосилга кирсинлар дея.
Ёнди, қоврилди у фарзандларин ўйлаб,
Қоп-қора сочлари оқарибди-я!

У охир вужудини берди боласига,
Ўзига олиб қолмади у заррани.
Болалар чопиб кетдилар ўз боласига,
Онага тутқизиб асони, дуррани.

БИЗ ИНСОН БОЛАСИМИЗ

Не учун озорни ўрганмиш одамлар,
Не учун ардоқни тортарлар мисқоллаб?
Низодан, нифоқдан портлар-ку атомлар,
Бўхтондан ўртанмас, айтинг-чи, қайси қалб?

Тухмат кашф этган ҳам «одамнинг боласи»
Нифоқдан баҳра ҳам топган у — нотавон.
Оламда одам бор ва одам оласи,
Бирини — тоғ,
Бирини соядир каттакон.

Тоғлардан баҳралар етгуси дунёга,
Тоғлардан ирмоқлар — меҳрлар оқарлар.
Сояни ўхшатгим келади рўёга,
На олов у ёнмай,
На офтоб — гул тақолмай.

Соядай судралиб юрмадим, юрмайман,
Ва лекин нигоҳдан қочирмам сояни.
Мен — олий насаб деб, кўкракка урмайман,
Мен — инсон,
Буюкда тутгум шу гоёни.

Мен — шоир,
Қаламдан яралгай байрамим,
Қаламдан олгум мен меҳнатни, заҳматни.
Нотавон бўлса ким, қаламим қайрадим,
Туғёним селоби оқизгай тухматни.

Озордан тушиб-ла кетмади қаламим,
Эзгулик ўйларим бир бора дарз кетди.
Гаддорлик тўзгитди беозор оламим,
Мунис дил ҳайратдан ўксиниб, арз этди.

Яхши-ки, оламда оқиллар яшайди,
Яхши-ки, ҳусумат қолди бир етимдай.
Оёғим остида отилган тош майда,
Нафратга боқай мен, қорайсин у тундай.

Дунёни безамоқ келмаган қўлидан,
Уйлармиш лоақал бир қуюн бўлмоқни.
Топтармиш, бўйсунмас неки бор йўлида,
Уйлармиш фалакни кифтида тутмоқни.

Ғолиблик қудрати ақлда, бардошда,
Орзулар қасрида боқиймиз, қоламиз.
Меҳнаткаш қаламни ўтқирлаб, тарошлаб,
Қалбадаги оловда оташлаб оламиз.

Бул оташ ёндирар изтироб, сиёҳни,
Бул оташ ёндирар озорнинг ўзини.
Мен ҳатлаб ўтгайман,
Ҳатлайман ул чоҳни,
Порлатиб кетгайман ғурбатнинг кўксини.

КЎЗГУ БИЛАН СУҲБАТ

Азизим,
Ҳамроҳим,
Тонгда ҳар кун сени қўлга оламан,
Термуламан яна тўймай, ҳавасда.
Олов ёшлигимдан яшнаб, қувнаб бораман,
Шўхлигимдан ёниб бир гулдиросда.
Ошиқона кезлар,
Оҳ, мастона кўзлар,
Ул сеҳрли сўзлар,
Олисмиди, айт-чи, ёдингда борми?
Юзларимга қўнган зарра ғуборни
Киприklarим билан териб олганим,
Ёдингдами шамолларни қувганим?
Ҳушрўй эдим, чоғи
Нақш олмадай дуоғ...
Лабларимда ү чоғ
Кўрар эдинг гуллар,
Оловларнинг рангини,
Сўзларимда ўтли куй жарангини.
Кўзгу, сен ўшанда —
Кумуш рангда эдинг,
Мени аста оғушлаб
Қучоғингга олар эдинг бир ширин тушдай:
Ҳузурингга чопиб, елиб,
Севгидай кулиб,
Ой каби тўлиб
Келганмидим, айт, азизим,
Ўйга толурман,
Бу тонг ҳузурингда танҳо-танҳо ёнурман
Чақмоқдай ўйларим тушар йўлларга,

Кечаги кунларга букун бўйларман.
Сенга термуламан,
Ургиламан,
Бир гул, мана,
Очилиб ҳам бўлди, чамамда, боғда,
Қучоғида гунчалари ардоғда.
Булар — метин бардошлари унинг,
Булар — севинч, кўз ёшлари унинг.

Сўзла сен ҳам,
Тинглай бир дам,
Кўнглим бирдан
Тўлиб тошаётир нечун ғалаёнлардан?
Бу дил — ирмоқ,
Оқиб келар ахир, оҳ, қаёнлардан?
Дарёларга қўшилгунча кечган гурбатлар,
Енгилмаган гурурлару, метин журъатлар...

Ёдга тушар
Ширин тушдай...
Хумо қушдай —
Учиб кетди,
Ўтди, эвоҳ, неча йиллар,
Билолмасман, олисмикин мен босар йўллар.
Термуламан, термуламан,
Умидлар ёрдир,
Биламанки, йўлда яна орзулар бордир.
Бағринг бир нур,
Ҳа, сен мағрур,
Тутгил маъзур,
Кунлар келар
Қадамларим зил бўлур, дўстим,
Балки бевақт кўнглинг буздим,
Кўнглимни буздим.
Ҳузурингга йиллар ўтиб

Келарман ҳориб,
Сочлар оқариб.
Эъозласа кумуш сийнаг мени оғушлаб,
Кумуш бошим сингиб кетсин сениг бағрингга.
Ҳузурингда турай мағрур мен асо ушлаб,
Олов рангим эслаб,
Таъзим айлаб тақдирга.

АРҒИМЧОҒИМ, СЕНИ ҚЎМСАДИМ

Юлдузларга айланар кўзларимнинг чўғлари,
Бағрим менинг боғларда ёнаётган гул, ифор.
Арғумчоғим қайдасан, қайда оловлик
чоғларим,

Боғ четида турарсан...
Қўнибди чангу ғубор.

Келолмадим қошингга,
Аллаладим боламни,
Чорлаб кетди юмушлар, дарёлардай кўчалар.
Бир умр қўмсаб ўтдим сен бор турфа оламни,
Хаёлларим ардоқлаб оқарганда кечалар.
Юлдузларга айланди кўзларимнинг чўғлари,
Бағрим менинг боғларда ёнаётган гул, ифор.
Арғумчоқ учаётир қизчаларим — шўхларим,
Хаёл эмас, армонлар бошлаб келди бу сафар.

Далаларнинг бағрига таралдилар тумандай
Гўдакнинг кўз ёшидай тўкилдилар дувуллаб.
Болалик қолди тиллақўнғиз қувган чаманда,
У қурган лой қасрлар қолаверди ҳувиллаб.

Юрагимни йўргаклаб соларман беланчакка,
Аллалаб ширин тушга айланган чоғларимни
Хар сафар нигоҳ солсам гўдакка, келинчакка,
Ёдимга олар бўлдим сен бор гул боғларимни.

Арғумчоғим, қайдасан, болалигим жаҳони,
Орзум — қуш, қанотим зил,
Етиб келдим учгали.
Қутганмидинг бир этак ўғил-қизли онани,
Бағрингни оч, мен келдим ёшлигимни
қучгали.

* *

*

Фурбатларнинг дарёсида оқмайман,
Муҳаббатнинг денгизига бўлай фарқ.
Хору-хасдай мен бағримни ёқмайман,
Лек севгисиз оламини мен этгум тарк.

Бахт барқ урсин дейман қора кўзимдан,
Менга ёмни тутганга тиг, чақинман.
Шубҳа излаб юрганга ҳар сўзимдан
Ишқдан ғазал ўқиб бергум тагин ман.

Севинчларим солгум ўтли байтларга,
Изтиробим беркитаман у билан.
Мени ғусса енгмоқ бўлган пайтларда
Ғолибман мен ишқ деган туйғу билан.

* *

*

Қайдасан, осмоннинг кўзи ёшланар,
Сарҳадлар ошдилар турна карвони.
Сарғиш япроқлардан юрак ғашланар,
Ел бошлаб келтирар маҳзун ғавғони,
Ҳазонрез боғларда кезар армонлар,
Қайдасан, бинафшам,
Гул нопормонлар?
Қўлида қамчини, шамол увиллар,
Сел билан савалар дала, тошларни,
Борлиқда тўполон, дил-чи ҳувуллар —
Хайратлар қошида қувнаб тошмади,
Беизн туйғулар кетдилар ташлаб.

Қайтарлар, қайтарлар ўзингни бошлаб,
Баҳорим!

ТУРНАЛАР ҚАРВОНИ ЎТМОҚДА

Навбаҳор,
Марҳабо, зумрадим,
Марҳабо, зилола чашмалар.
Мен сендек париваш кўрмадим,
Кўрмадим ўзимдек ташна ҳам.

Соғиндим юлдузли саҳаринг,
Қушлар ҳам қуйлашар мастона.
Сабзаранг куйлагинг оҳорли,
Совчига тўлибди осмон ҳам.

Совчига тўлибди осмон ҳам, —
Турналар қарвони ўтмоқда.
Сепингни ёй, эркам,
Ҳа, сени —
Келини кинот кутмоқда.

Соғиндим шафтоли гулини,
Наққошим,
Санъатинг қулиман.
Бир чимдим ялпиз тут, кўнглимни —
Оғушлар бир ҳовуч едуру лаъл.

Уриклар тақарлар «сирғасин»,
Муҳаббат, адоват чаманда.
Уфқ қил қалам-ла сурмасин —
Кўзига тортмоқда, чамамда.

Мен эса хаёлга бериб чап,
Ариқлар лабига ястандим.
Бу ерда турфа шеър,
Олам гап,
Ҳар митти ялпиз бир дostonдир.

ОШИҚОНА

Анҳорларнинг соҳилига излаб келдим
Ул кунларни,
Мажнунтолга қўл чўздиму, ёздим —
Дилнинг тугунларин.
Оқар сувдай оқиб кетди тўлқин уриб
Хаёлларим,
Қулунлардай урилди ул соҳилларга
Саволларим.
Уша қўшиқ, ўтли қўшиқ оқиб ўтди
Тўлқин билан.
Лекин қайда ул қўшиқчи? Унга эди
Тутқинми ман?
Гоҳ тўлқинли, гоҳи сокин анҳорлардан
Оқар сувлар.
Қайтмас экан изларига, қайтмагандай
У умрлар.
Анҳорларнинг соҳилига излаб келдим
Ул кунларни
Мажнунтолга қўл чўздиму , ёздим —
Дилнинг тугунларин.
Кузак келди, зилол сувлар сочин тарар
Субҳу саҳар,
Мен қирғоқда туриб қолдим қўшиққами
Бўлиб маҳтал.

БУ БИР ОТАШКИ

Қўй, сўзлашмоқ не керак, ўт қўйиб ширин
жонга,

Кўришмоқ орзу этма,

Айлансин у армонга.

Ҳар сония куймаклик тақдир бўлсин майли,
қўй,

Учрашмоқдан ўт кетар наздимда бу жаҳонга.

Бу бир оташки...

Ёқиб, ҳар тонг сўзлайди ғазал —

Севги дема, солма, қўй, ёнувчи дилга

назар.

Умр, умр, умрлар етмаган бир олов бу,

Қўй, маҳрум этма, оташ — менга тақдири

азал.

Ёндирмагил бир йўла, совурмагил гулханни,

Ёқмагин ҳижрон пинҳон бахш этган шеър

гулшанин.

Нигоҳларим чақин-ку...

Ўт устига ташлар ўт,

Мен кўрмай гулхан ичра ёнаётганинг сени.

* * *

*

Сен сўзла,

Сўзлагин сен кўпроқ,

Мен тинглай зориқиш билмайин.

Сўзларинг бўлса ҳам тумтароқ,

Майлига, зерикиш билмайин.

Сўз дема,

Майлига, айт ғазал

Навоий, Лутфийдан, Фурқатдан.

Хаёлинг ўғирлаб бир гўзал,

Олиб қочмаса бас тўсатдан.

МАКТУБ

Осмон тўла карвон ўтар —
Қалдирғоч,
Тонгда сени мактуб кутар,
Бағринг оч.
Қалдирғочдай талпинчоқ
Қиз юраги,
Лекин жуда тортинчоқ у
Нетадир.
Сўргил, нега ўзин ўзи
Доғлайди,
Хаёл ипин хаёлларга
Боғлайди?
Тунлар — қалам, унинг севган
Ўртоғи,
Тонглар — дафтар, у ёқтирган
Гулбоғи.
Кўзларида юлдуз асраб
Термилди,
Дафтарида тонг саҳарлар
Гул унди.
Назар солгин унинг ўтли
Кўзига,
Пинҳон-пинҳон сақланар дил
Сўзига.
Соғинч недир, изламагин—
Мактубдан,
Соғинч бедор дилининг
Туб — тубида!..

* * *

Хабаринг йўқ,
Шеър сатримни —
Шамол янглиғ тўзғитганиндан.

Хабаринг йўқ,
Ҳижрон дардини —
Дилга ютиб, кўз тутганимдан:
Балки хабар топмассан абад,
Сени қалбга беркитганимдан.
Бу дил қулфи очилар фақат,
Умр қулфи беркилганида.

БИР ТОМЧИ КЎЗ ЁШИ

Кипригимдан бир томчи узилди,
Атиги бир шабнам томчиси.
Тинчлигим дунёси бузилди,
Оҳ, аччиқ ғурбатнинг қамчиси!

Наздимда, дарз кетди юрагим
Гулдираб ўтганда ул ғурбат.
Армонга айланди тилагим,
Чивинга айланди фил келбат.

Лағча чўғ, лағча чўғ лаҳзаси,
Лаҳза-ки, йилларга тенг келур.
Томчи ёш — қиличнинг ларзаси,
Кенг деган оламинг танг қилур.

Бир томчи кўз ёшин лашкари
От солиб ўтмоқда кўксингдан.
Ироданг қўлга ол,
Туш, қани,
Майдонда кураш сен ўзинг-ла.

МЕН АЛЛА АЙТАМАН...

Мен алла айтаман...
Ухлар болам,
Лабларида тонгдай кулгулар билан.
Мен алла айтаман,
Ухлар олам,
Кўксида жаҳондай туйғулар билан.

Мен алла айтаман,
Тебратиб-тебратиб бешикни,
Тебратиб бешикнимас, улкан бир салтанатни.
Мен алла айтаман,
Авайлаб-авайлаб бир ишқни,
Авайлаб бир ишқни, балки талантни.

Мен алла айтаман,
Нур ичра,
Нур ичра тебранар бу олтин кошона.
Мен алла айтаман
Ғурур ичра,
Сурур ичра,
Наздимда, ухлатиб «подшони».

Мен алла айтаман,
Бу олам
Тинч бўлсин, тинч бўлсин — осуда.
Мен алла айтаман,
Оналар, болалар
Йироқ бўлсин қайғудан.

Мен алла айтаман,
Ширин бўлсин,
Ширин бўлсин тушлар ҳам.
Мен алла айтаман,
Бош қўйсин
Уйқуга ҳаттоки душман ҳам.

Мен алла айтаман,
Ухлатиб боламни,
Уйғотиб кумушранг саҳарни.
Мен алла айтаман,
Қўлимда қаламим,
Столда мунтазир дафтарим.

Мен алла айтаман
Ардоқлаб...
Чарақлаб —
Бешикда ётган бир қуёшни.
Мен алла айтаман,
Парқуда
Осуда
Ухлайди абадий бир ёшлик.

ТУЙГУЛАР КУРАШИ

Кураш давом этар,
Туйғу кураши,
Тугёндан юракда ўприлиш, нураш.
Беқарорлик хандон ташлаб кулади,
Бардошнинг тахтидан нелар қулади?..

Қайси бири ҳамдард экан одамга,
Бардошми, беқарор ҳисларми ёки?
Иккиси ҳам тугён, туйғу аталган —
Оташдир — юракда гулхани ёқиқ.

Кураш давом этар,
Туйғу кураши,
Тугёндан юракда ўприлиш, нураш...
Оғир жангга кирар ақл, ирода,
Беқарорлик қолур ғафлатда, доғда.
Кулгуга айланур кўзларнинг ёши,
Инсоннинг таянчи — голиб бардошдир.

ШЕЪРИЯТ УНУТИЛМАБДИ

Шеърият унутилмабди,
Жонланибди яна баҳор япроқларида.
Шеърият ҳаёт бермиш борлиққа,
Ё борлиқ шеъриятга
Қўчибди.
Лола акси маҳбуба ёноқларида,
Шеърият оҳанг бўлиб,
Ирмоқларнинг қўшиғига сингибди.
Қўшиқ сеҳридан
Ариқлар лабида
Сабзалар ниш урибди.
Шеърият унутилмабди,
У мунис она бўлиб,
Уйғотибди булбулларни уйқудан.
Роз айтибди сабо бўлиб,
Илк ғунчалар лаб очибди кулгуга.
Шеърият унутилмабди,
Дехқонларнинг эшигини қоқибди.
Қир кўксига нур қалаб,
Лола гулхан ёқибди.
Юракларга солиб қўйиб иштибо
Ғазал бўлиб тўкилибди дафтарга.
Баҳорга йўқ интиҳо,
Шеъриятга ҳам.
Ҳа, шеърият унутилмабди,
У кўчибди
Қувончларга, дардларга...

ҚҰШИҚ ҚАНОТИ
НҮРДАН



ОҚШОМ СУРУРИ

Осмонда ой туғилар,
Уйғонади туйғулар.
Севги дилни алқайди,
Ярим ой ҳам қалқийди.

Оппоқ сутга чайилар,
Оромбахшдир кечалар.
Бошланар гул сайиллар,
Нурга тўлар кўчалар.

Нурдан ясаб арнумчоқ,
Келинг, қизлар, учамиз.
Гулларга тўлсин қучоқ,
Биз гулшанлар ичрамиз.

Осмонда ой тўлишар,
Бутун олам ёришар.
Қўшиқ сўзлар сурурдан,
Унинг қаноти нурдан.

ЛЕНИН БЕРГАН САОДАТ

Ленин берган саодат,
Кулгу яхши, ёр-ёр.
Юракни аллалаган,
Туйғу яхши, ёр-ёр.

Замон яхши, дугона,
Кел, кулайлик, ёр-ёр.
Хур қўшиққа тарона,
Куй улайлик, ёр-ёр.

Сочи узун, ақли йўқ
Бизлармасмиз, ёр-ёр.
Тўртта қўйга сотилган
Қизлармасмиз, ёр-ёр.

Замон берган иқболдан
Ургилайин, ёр-ёр.
Чиройимиз кўрсангиз
Кўргудайин, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Партиям бор, ёр-ёр.
Шу замонга ярашиқ
Мадҳиям бор, ёр-ёр.

Бахт улашсам оламга,
Етиб ортар, ёр-ёр.
Қўшиқ айтсам, дилимда —
Завқим ортар, ёр-ёр.

Ленин берган саодат,
Кулгу яхши, ёр-ёр.
Юракни аллалаган
Туйғу яхши, ёр-ёр.

БАХТИЁРЛИГИМ

(Устоз Ҳамзага жавоб-назира)

Келди очилур чоғим, ўзлигим намоёндир,
Кишанлар занглади буткул, ҳар томон
нурафшондир.

Мақтабу дорилфунунда фикр очиб дури
кимёдай,
Бир жаҳон кўрдим мунаввар — бу жаҳон
илму ирфондир.

Сояларда сарғаймас юзларим қуёш монанди,
Бу юрт аҳли донишлар базмидан
гулистондир.

Оналик — муҳтарамлик бизда, ҳавасда етти
иқлимлар,
Дилида тош сақлаганлар ҳасадда
пушаймондир.

Муҳтарам устоз, қизингиз маърифат
манзилин топди,
Нурлари букун кўзга сурмайи сулаймондир.

НАВРЎЗ БАЁЗИ

Наврўз саболари боғлар айланди,
Новдалар ҳам биллур нурга айланди,
Лола, наргис саватларга жойланди,
Гул баҳона, диллар дилга бойланди,
Табиат ҳам келиндай чиройланди,
Юрак бу кун қуёшни бор айлади.

Тоғлар ўрар сабзарангли дуррасин,
Нилчўп қўлда, қизлар тортар сурмасин,
Бувижонлар ёяр бу кун супрасин,
Дастурхонда неъматларнинг турфаси,
Дилшодликлар қайда, дея сўрма сен,
Наврўз барин тўкин-бисёр айлади.

Далам елкасида шоҳи чопони,
Қўзи санаб шошар қирда чўпони,
Саболардан йўлаб совчи — чопарин,
Қирлар сочмиш бинафшайи ифорин,
Назм этсам бу юртимнинг наҳорин,
Деҳқон ерни байту гулёр айлади.

Тоғ сарвари — ороланар оҳулар,
Ой баркашда бўлишади ёғдулар,
Сумалакнинг даврасида чолғулар,
Унутилар изтироблар, қайғулар,
Шеърга кўчар ширин, азиз туйғулар
Наврўз тўй бошлади, ёр-ёр айлади.

Тонг тўшида қуёш кулар, чарақлар,
Наврўз севги девонини варақлар,
Мажнунтоллар сунбулини тарақлар,
Дўст гул била дўсти-ёрин сўроқлар,
Ўтганмисиз, юлдуз тўкилган боғдан,
Наврўз тиконни ҳам гулнор айлади.

Ирмоқлар ҳам хаёлимдай оқмоқда,
Нигоҳларим шохлардаги бодроқда,
Қамар кўкда нури-шаъмин ёқмоқда,
Шеър утғи гулдиракда, чақмоқда,
Дил денгизи орзусин алқамоқда,
Наврўз лоқайдни ҳам бедор айлади.

Қипригимда муҳаббатнинг шодаси,
Қароғимда шодлигим шалоласи,
Тонглар отар тинглаб анҳор ноласин,
Дилим ўғирлайди қирлар лоласи,
Наврўз олам мўл ҳосил зуволасин,
Ул барака куйин алёр айлади.

Рўпарамда толеъимнинг кулгуси,
Уфуради чаманлардан гул иси,
Кел, азизим, сенга баҳор наргиси,
Ҳузурингда таъзимда наврўз қизи,
Осмон тўкар этагингга юлдузин,
Маҳзунлигинг кўклам бекор айлади.

Келмакдадир турналарнинг карвони,
Ташлаб келар олисларга армони,
Шукронага тўлмиш элнинг бу оми,
Бордир чунки наврўздек гул Ватани,
Гуллар ичра кўрайлик кенг жаҳонни,
Наврўз истагимиз бисёр айлади.

ЎРГИЛАЙ

(Увайсий суратига боқиб)

Муҳтарам устоз, бу тонг мен гулдаста
боғлаб ўргилай,
Гулгуну дилшодлигимдин кайфимни чоғлаб
ўргилай.

Назмингиз қўлга олурман, офтобу зулмат
тенгма-тенг,
Ашкингиз дарёи сир, дарёни боғлаб ўргилай.

Мен забун, маҳзунлигингиздан сира ор
ётмадим,
Ул қаро тун ичра Сизни нур-чироғлаб
ўргилай.

Ўлтирарсиз ўй паришон, соч паришон, қалби
хун,
Ул паришон сочларингиз мен тароғлаб
ўргилай.

Шунчалар зуккомидингиз, саҳрода қолган
ташна дил,
Сиз букун эл фахри, мен ҳам кўксимни
тоғлаб ўргилай.

Тангри ҳал этмиш дедингиз, муфлис
гадолардин мени,
Шеър мулкида маликам, кўзу қароғлаб
ўргилай.

Сиз эмас, ҳоли дигаргун, Сиз эмас
бехонумон,
Ўзбегим тўй бошлади-ку, Сизни сўроғлаб
ўргилай.
Сиз Жаҳон отин эдингиз, лекин жаҳонни
кўрмаган,
Бу жаҳон бошига қўйди, шеър ардоғлаб
ўргилай.

АҲВОЛ СЎРМАСАНГ

Сокин хаёллар тўзир, нигоҳлар ҳам
мунтазир,

Агар сен бир бора аҳвол сўрмасанг.

Бардошларимга нотинч туғён ҳукмин
ўтказур,

Агар сен бир бора аҳвол сўрмасанг.

Қалам ҳам бир сўз демас, оддий чўпга
айланар,

Дил уйига ҳоқон бўб шубҳа-гумон сайланар,

Дарднинг занжири билан садлоралик
бойланар,

Агар сен бир бора аҳвол сўрмасанг.

Осмонларни безаклаб келар турна-элчилар,—

Баҳор олиб келмоқда ёр-ёр айтиб совчилар,

Мен не дейин, киприкда қатор турса
томчилар,

Агар сен бир бора аҳвол сўрмасанг.

Баҳорий завқ шавқ билан қизлар тортар

сурмасин,

Таҳмонлардан олишар атлас

куйлак-бурмасин,

Оҳ, қўрқаман, даврада шивир сўзлар

юрмасин,

Агар сен бир бор аҳвол сўрмасанг.

Лолаларнинг гулхани ёнаётир ловуллаб,

Тоғлардаги қорлар ҳам дарё энди шовуллаб,

Менинг дилим кулбадай қолаверар ҳувиллаб,

Агар сен бир бора аҳвол сўрмасанг.

Она ер ҳам дафтарин варақлайди бирма-бир,

Хижоларин санайди бу шоир, кўҳна бағир,

Маҳзун кунларни санаб юрмоқлик менга
тақдир,
Агар сен бир бора аҳвол сўрмасанг.

Баҳор-да... гулдирак ҳам суронларин солади,
Хаёлим чирпиракдай тўфонлари олади,
Юрагимда ўтми ё кўкда чақин ёнади,
Агар сен бир бора аҳвол сўрмасанг.

Осмон қуйиб беради селобини-тошқинин,
Анҳорларга куйлайди тиниқ сувлар ишқини,
Юракинам бошлайди энди аста рашкини,
Агар сен бир бора аҳвол сўрмасанг.

ЮРАГИМДА ГУЛЛАР ЎСАР

Юрагимда гуллар ўсар — болаларим,
қароғим,
Лекин дунё ташвишлари остонамдан
хатлайдир.
Оқшом экрандан дод солар уруш дарди,
фироғи,
Қимлар гулзорларга, кимлар мозорларга
қатнайди.
Юрагимдаги гулларим тўзғитмоқлик
мушкулдир,
Дунё-дунё болаларим яшарлар меҳр кутиб,
Оналикнинг салтанатин бузмоқ билан
машғулдир,
Оналикнинг изтиробин тотмаганлар ўқ тутиб.
Уруш нима билмай ўсар ўспиринлар бу элда,
Улар ўтар сув сепилган, нур тўкилган
йўллардан.
Гулларимга тегманг, қилич қўзғолмасин
қинидан,

Гулхан ясамоқ жиноят ловуллаган
 мен гулларим юрагимнинг қони билан
 Кўзларимнинг нурин офтоб айлаб сепдим
 Ким у бедард? Беозор бу чаманимга, чўғ
 Мен оловни ўчираман кўздан томган
 Чаманимни дағал керзи этиклар янчимасин,
 Мен сизларга соғинарман, эй дунё одамлари!
 Япроқлардан қонлар эмас, шабнамлар
 Оналикнинг мамлакатин бузмасин атомлари.
 Дунёдаги барча бола, болажонлар меники,
 Севги, алла, бола... мудҳиш урушнинг
 Севгисиз уй, ўлансиз ул беланчаклар уники,
 Атом жой олмасин, айтинг, алламиз
 Уруш нима билмай ўсар ўспиринлар бу
 Утар улар сув сепилган, нур тўкилган
 Усмирларга тегманг, қилич қўзғолмасин
 Ахир, гулхан ясаб бўлмас ловуллаган
 Юрагимда гуллар ўсар, болаларим, қароғим.

ТОНГ ҚИЗИ

Эрта тонг, субҳи саболар гулга сўзлар
розидил,
Ул шивирлаб ноз этгач, боққа чиқди
Моҳидил.
Сен, йигит, афтодадирсан, севганинг — боғ
сайрида;
Моҳидиллар жам бўлишган, бунда куйлар
шоҳи дил.
Моҳидиллар баҳс этарлар, зулфини
ёймоқда ой,
Ул гўзаллар рақс этарлар, соч тараб
оқмоқда сой,
Не учун афтодадирсан, бундадир шунча
чирой,
Кел, йигит, афтодалиқдан бўлма пушаймон,
оҳи дил.

Гулга тўлсин, куйга тўлсин, серфараҳ боғ
эртаси,
Моҳидил, бошла тарона, сен замона эркаси,
Куйла, ким севги билмас бўлса буткул
ўртасин,
Куйларингдан ором олсин, ишққа тўлсин
боқий дил.

ҚУШИҒИМ, СЕНИ ИЗЛАДИМ...

Субҳичоғ ўрмонда сўқмоқдан
Борурман ям-яшил сайҳонга.
Негадир хаёллар пайҳондир,
Қуёш ҳам чодирин сўқмоқда —
Тонг отар,
Кун ботар,

Сезмадим,
Сени мен сарвлар баргидан изладим.

Урмонлар ичра мен ёлғизман,
Эркалар қушларнинг хониши —
Ортади ўн бора ёнишим,
Қайдасан, қайларга боргизма,
Излагум!
Беармон,
Мавжли ул денгизлар бағридан изладим.

Тоғ кездим, йўл бошлар жилғалар,
Изладим қоялар бошидан.
Тўкилган ёғдулар жилмаяр —
Ўзингдек,
Сўзингдек...
Қамашур кўзларим,
Мен сени чинорлар сабридан изладим.

Қўшиғим, лутфингга мен маҳтал,
Қалбимдан қон олгин, шодлигимдан ранг.
Қўшиғим, борлиқни сурурлар-ла ўра,
Тинглаган ҳар жонга ўтли бир газал —
Тотини
Бахш айла,
Нақш айла, гўзалим,
Мен сени одамлар қалбидан изладим.

ИУЛЛАР ДАФТАРИ



ЙЎЛЛАР ЧОРЛАР

Йўллар...

Ватаним бағрида қанчалар
Ўрмону саҳродан ўтар йўл.

Гоҳ тоғлар остида,

Устида —

Хизматга шай туну саҳарлар,

Қутлуғ бир одимни кутар ул.

Йўллар...

Элларим элларга қўшгуси,

Дарёдай бетўхтов оққанда.

Одамлар рухсорин

Одамлар ахтариб,

Дўстликнинг муқаддас туйғусин

Дилларда ўт мисол ёққанда.

Йўллар —

Юртимнинг қудрати кумуш камари,

Йўллар-ки мисоли ирмоқлар.

Дўст келар, ҳаммани —

Қозоғу болгарни,

Ким бўлса қардошлик самари,

Гул билан пешвозмиз, яқинми, йироқми.

Йўлларда

Инсоннинг эртаси, индини кулажак,

Хаёлдай ҳудудсиз, орзудай интиҳосиз.

Инсонга пойдор,

Инсондан ёдгор —

Йўлларку жозиб бир дунёга

элтувчи келажак.

Йўллар,

Сизмасми муаззам тупроғим юраги,

Бир умр поёндоз элларга?

Йўлларим — денгизлар,

Темир излар.

Шу кичик уйимнинг йўлаги

Тугашгай Москвага, кенг манзилларга,
Йўллар —
Бу Ленин йўллари,
Манзиллар сўнгида у бордир:
Йўл қурган ишчининг онгида,
Лўм тутган ҳар меҳнат тонгида...
Лениннинг нафаси йўлларда,
Элларда доим барқарордир.
Шу йўллар чорлар гар зериксам,
Қардошу дўстларга энтиксам.

КЎЗЛАРИМ ҚОЯДА

(А. С. Пушкин ва М. Ю. Лермонтов хотирасига)

Майли,
Ёниш, ёниш бўлсин қисматим,
Сокинликни билмасликка розиман.
Қўшиқни ҳам оташлардан излагум,
Биров ором олса дейман созимдан.
Устозларим,
Сиздай бедор ўтсайдим,
Осудали роҳатига бегона.
Қаламингиз кўзларимга суртсайдим,
Юраклардан жой олсам ёна-ёна.
Кўзларим қояда,
Икки қояда,
Мен чиқиб борурман пиллапоядан...

Кисловодск

Денгиз оқшом эртагини тўқирди,
Осмондан ой ёғдулари тўкилди.
Денгиз ўйнар ой баркашин тўп қилиб,
Унинг юзи кўринади сепкилли.

Шамол аста денгиз сувин элайди,
Кумуш ёллар қолар этак судрашиб.
Сокин соҳилларни кўриб келай, деб
Чопар, елнинг этагига илашиб.

Бирдан тўлқин лашкарини суради,
Денгиз узра дубулғалар кўринар.
Тулпорлардай пишқиради, гуврайди,
Ой баркаши минг бўлакка бўлинар.

Сочи

БАЛАТОН

Венгрия дафтаридадан

Қадаҳда мовий шароб чайқалиб кетар
бирдан,
Чағалайлар тўзғишиб, осмонни тутар
бирдан.
Хаёлларим паришон — кунлар санай
бошлади...
Табиатнинг қамчиси сувни савай бошлади.
Кўл юзини бир зумда бужир айлар чекичлаб,
Чаппар урар еллар ҳам булутларни опичлаб.
Майсазордай кенг бағир нафас олар
энтикиб,

Камалак — кашта тикар табиат игна тутиб.

Дардинг олиш қўлимдан келармикан,

Балатон,

Қўй, энтикма,

Бу дамлар олиш даҳшат, балодан.

Уруш, қирғин энди йўқ,

Табиат шавқ тутмоқда,

Чағалайлар чарх уриб тегрангда рақс

этмоқда.

Ўқлар эмас, хазонрез япроқлари ёғмоқда,

Уфқда қонлар эмас, ол шуълалар ёнмоқда.

Ана, қўшиғин айтиб келмоқда можар қизи,

Бу — Будданинг баҳори,

Бу — Пештнинг турфа кузи.

ВИНО ИЧ, ДЎСТИМ!

*(Венгер шоири Шандор
Петефи хонасида)*

— Дўстларинг ҳотам бўлса,

вино ич, дўстим,

Дилда ёр, Ватан бўлса,

вино ич, дўстим,

Ғам эмас, бахтинг бисёр,

шодлик беқиёс,

Сен ўлан айтар бўлсанг,

вино ич, дўстим.

ДУНАЙ ТҰЛҚИНЛАРИ

Кальман қўлларида жажжи таёқча,
Куй янграр...
Жим тинглар Дунай тўлқини.
Дарё соҳилида мен ҳам хаёлчан,
Сув кўзгу, ой ошкор айлар кўркини.

Мен куйдан сархушман, гўзалликдан лол,
Бу юрак маҳлиё, висолга зордай...
Тўлқинлар,
Не учун тошмайсиз сачратиб зилол,
Не учун сокинсиз бепарво ёрдай?

Кальман қўлларида миқти таёқча,
Куй янграр,
Жим оқар куй тинглаб сув ҳам.
Фикр дарёсида қалқиб хаёлчан,
Бунда қолиб кетдим оқшом, субҳидам.

Сокин тўлқинларга нигоҳим қадаб,
Дунай ҳикоясин тингладим жим, лол.
Йиллар олиб кетди қадамма-қадам,
Тарих жавоб берди,
Мен сўрдим савол.

— Дунай, нега сокин бағринг бунчалар,
Нега тўлқинларинг чопмас сарсари?
Кўксинг туғён урса — ғазал ғунчалар,
Сўнгра, яралади севги дафтари.

— Қизлар, муҳаббатдан сўзлайсиз фақат,
Мен-чи, бўронларни кўрган Дунайман.
Уруш!..
Сўзлаб берсам, ҳасратим қат-қат,
Тингла, бир қатрасин сенга сўзлайман.

Уруш!..

Оғушимда кўп қизил қонлар
Одамлар жасади оқди пайдар-пай.
Азиз тупроқ учун не ширин жонлар
Соҳилимда, эвоҳ, тўкилди тутдай.

Бомба, снарядлар этиб минг яра,
Бағримни тилдилар, сачрадим кўкка.
Тўлқинлар тошдилар, тортдилар наъра,
Сапчидим самони қучмоққа тикка.

Қирғоқлардан ошдим, ювиб кетай деб —
Тинчини йўқотган ушбу тупроқни.
Ахир яралганман обод этай деб,
Гулларга кўмай деб юрт, чаман, боғни.

Тинчимни йўқотиб.
Бева онадай —
Туну кун йиғладим, тиним билмадим.
Лек элга мен қандай дард изҳор қилай,
Нетай, инсонларнинг тилин билмадим.

Элим тинч...

Тўлқин ҳам ухлар бош қўйиб.
Сокинман — хотиржам, танти онадай.
Мана, боқ, Ой ухлар кўксимда тўйиб,
Тинч ухлар одамлар ҳар бир хонада.
Шунинг-чун сокинман,

сокин, қизгинам...

КАНАДА КОММУНИСТЛАРИГА

Канада дафтаридаан

Курашдасиз,
Гарчи пинхон давом эгар курашлар,
Маслагингиз буза олмас
Сиёсатки — даҳшатлар.
Куртак ёзар,
Гул ҳам очар
Орзуларнинг ниҳоли.
Меҳнаткашнинг меҳнати ҳам
Бўлар бир кун баҳоли.
Тенглик деган соҳилларга
Сузмакдадир елканлар,
Йўлларингиз тўсар гарчи
Довонлардай тўлқинлар.
Тутдай тўкиб довулларни,
Уммонлардан ўтарсиз.
Ишончларим комил,
Тенглик —
Манзилига етарсиз.
Ишсизларнинг уйида ҳам
Ёнар дейман чироқлар.
Ана, денгиз чайқалмоқда,
Ана, бедор қирғоқлар...
Намойишнинг довуллари
Таралмоқда пайдар-пай,
Бир кун учқун ловуллаиди,
Ва ўт олар, ҳарқалай.
Сизга ҳамдard яшайдирман,
Сизга ҳамроз хаёлан,
Иқболингиз тилаб, бахтни —
Йўргаклаган диёрда.

ДЕББИ МЕАРНС, ДУГОНАМ!

(Канадалик ҳинду қизга)

Ҳаётимсан, Дебби,
Омонмисан,
Эзиб ташламадим сени таъқиблар?
Сен мени сийладинг меҳринг, ёвғонинг-ла,
Шуни ҳам кўп кўрди рақиблар.
Шуни ҳам кўролмади улар,
Дебби Меарнс, дугонам!
Икки юрак иккимизда урмоқда,
Икки дилда икки оташ ёнмоқда,
Бу оташдан беҳабардир ким беғам,
Дебби,
Тирикмисан, дугонам?
Қанотларинг қайрилмасни, қўрқаман.
Сезмақдаман,
Тўлмоқдадир, ҳа, сабринг,
Ут олмоқда юрагингда пўртана.
Осмон узра булутлар ҳам сузмоқда,
Даракчидай кузакдан.
Сен баҳорга интиқ, ташна бир умр,
Жилғалардай беҳолгинам, йўлдасан,
Афсус,
Йўллар доvonларга тўлиқдир.
Сен ўтарсан,
 ҳа, ўтарсан,
Гар поёнсиз чўлдасан.
Курашчанлар сафидасан, дугонам,
Курашларда бахтин толгай бу олам,
Дебби,
Тирикмисан дугонам?
Кўшигингни ёдга олдим мен бу кун:
«Курашга, курашга бел боғлаганлар

Тик борар таъқибга, ўлимга...»
Гоҳ эзгу хаёллар сурсанг, дугонам,
Сарҳадларга тик боқгин!
...Дебби, азизгинам,
Омонмисан?!

САДАҚА

*(Оттавалик ўсмир кўчада гитара чалиб,
садақа тўпларди)*

Ишсиз умр...
Нолавор бир куй...
Ҳижолатдан эгилган бош ҳам...
Демак, дилда ўксик бир туйғу,
Балки эриб кетарди тош ҳам,
Уни кўрса,
Кўрса шу кўйи.

Утолмадим лоқайд, бепарво,
Туриб қолдим...
Эзилди юрак.
Шундай изтиробни, эй, маъво,
Нораста бир йигитдан бўлак —
Кимсага сен кўрмабсан раво.

Мен садақа ташладим унга,
Садақаммас,
Меҳримни тутдим...
Қай юрт ўғлонларин шу куйга —
Солиб, ворисларин унутди?
Ким ўз фарзандини қўйди шу кунга?

Йигит,
Юртинг уруш кўрмади,
Кўргани йўқ зилзила, офат.

Солдат шинелини ҳам киймадинг,
Кўрганинг йўқ қирғин, талафот,
Заҳкаш окопларга кирмадинг.

Йигит умринг энди бошланди,
Садақадир ёлғиз илинжинг.
Кўчаларда умид, бардошларинг,
Кўчаларда ғаминг, севинчинг,
Кўчаларда сендек ўсмир тенгдошларинг.

Ёнгинангдан ўтиб бораман,
Қўзим ёшли,
Сирқирар дилим.
Она қалби билан ёнаман,
Қисматингга ачиниб, ўғлим.

Оқшом...
Сигарета тортасан,
Нигоҳ ташлаб садақаларга.
Маҳзун қуёш янглиғ ботасан
Черковларга, хонақоларга...

* *
*

Йўллардаман,
Уйлардаман,
Ташаккурим лабо-лаб бир қадаҳ мисоли,
Қай бир ўлка шундай улуғлаган инсонни!
Бу нуроний дунёдир бир, тилаклари мўл,
Бу шундайин зиёдир бир, мунаввар бир йўл,
Янги орзу янгроқ қўшиқ, маъмурлик яна,
Бу мен — бахти кулган,
Бу сен — бахтли дугона.
Уйларимда янги дунё, янги уфқ жимирлар,
Таъзим сенга, меҳнаткаш эл,
Таъзим, танти замона!

МУНДАРИЖА

ОШИҚОНА

«Сукутдаман...»	6
Коммунист минбардадир	7
1944 йил комсомоллари	10
Остона	12
Мартен печи ёнида	14
Икки мадҳия	16
Гўзал Фарғонам	20
Қишлоғим	22
Кузак бу	24
Видо	25
Чўққилар	28
Рус тили — дўст тили	30
Ҳамзабод	32
Брест деворлари	34
Фурқатни ўқирдим	35
Япроқлар	37
Қаламдан шеър томчилар	39
Тўргай	40
Мени эслайсизми?	41
Тоғларда оқшом	43
Эман	44
Юр, дедилар оҳулар	46
Болажон	47
«Саболар шивирладилар...»	48
Жон фидо	49
Биз инсон боласимиз	50
Кўзгу билан суҳбат	52
Арғумчоғим, сени қўмсадим	55
«Ғурбатларнинг дарёсида оқмайман...»	56
«Қайдасан...»	56
Қиз	57
Турналар карвони ўтмоқда	58
Ошиқона	59
Бу бир оташки	60
«Сен сўзла...»	60
Мактуб	61
«Хабаринг йўқ...»	61
Бир томчи кўз ёши	62
Азиз юрт	63
Мен алла айтаман	65
Туйғулар кураши	67
Шеърят унутилмабди	68

ҚҰШИҚ ҚАНОТИ НУРДАН

Оқшом сурури	70
Сўрарлар боисин	71
Ленин берган саодат	72
Бахтиёрлигим	73
Наврўз баёзи	74
Ургилай	76
Аҳвол сўрмасанг	78
Юрагимда гуллар ўсар	79
Тонг қизи	81
Қўшиғим, сени изладим	81

ИҶУЛЛАР ДАФТАРИ

Иўллар чорлар	84
Кўзларим қояда	85
«Денгиз оқшом эртагнини тўқирди...»	86
Балатон	86
Вино ич, дўстим	87
Дунай тўлқинлари	88
Канада коммунистларига	90
Дебби Меарис, дугонам!	91
Садақа	92
«Иўллардаман...»	93

На узбекском языке

ЭТИБОР АХУНОВА

Невеста зари

Стихи

Редактор А. Обиджонов
Рассом О. Башликова
Расмлар редактори Р. Зуфаров
Техн. редактор Н. Мирзаева
Корректор С. Сайдолимов

ИБ № 1405

Теришга берилди 11. 01. 84. Боснига рухсат этилди
24. 08. 84. Р 13169. Формати 70×90¹/₃₂. 1-босма қоғозга
«Литературная» гарнитурда юқори босма усулида
босилди. Босма листи 3,0. Шартли босма листи 3,51.
Нашр. листи 3,0. Шартли кр. отт. 3,53. Тиражи 10 000.
Буюртма № 163. Баҳоси 40 т. Шартнома 38—83.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия»
нашриёти. Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдо-
си ишлари Давлат Комитети Тошкент «Матбуот» по-
лиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босма-
хонаси. Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 44.